# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ДАСТУРИ

**_Мамлакатимиз бозор муносабатларига ўтаётган мураккаб иқтисодий шароитда давлат томонидан амалга оширилаётган таъсирчан ижтимоий сиёсатнинг мавқеи ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Республика Президенти бошчилигида ишлаб чиқилган бозор муносабатларига ўтишнинг беш асосий тамойилларидан бири «кучли ижтимоий сиёсат» ҳисобланиши ҳам бежиз эмас._**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Ўзбекистон касаба уюшмаси фаолларидан бир гуруҳини қабул қилганди. «Кучли ижтимоий сиёсатни ҳаётга тадбиқ этиш давлат ва ҳокимият органларининг вазифаси бўлса, уларни нечоғли амалга оширилаётганлигини назоратга олиш, шу йўл билан меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш касаба уюшмалари фаолиятининг асосий мезонидир» деди. Дарҳақиқат, ушбу учрашувда қайд этилган таклифлар, мулоҳазалар касаба уюшмаларида ўз иш услубларини, таркибий тузилмаларини, жамият ҳаётидаги ўрнини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Ҳозирги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоя этиш ва ёрдам кўрсатиш бўйича қатор фармонлар ва ҳукумат қарорлари мавжуд. Улар меҳнаткашларимизни ижтимоий ҳимоялашнинг мустаҳкам таянчига айланади. «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Президентимиз фармони бунга ёрқин мисолдир.

Хўш, ушбу фармон жойларда қандай амалга оширияпти, бошқарувнинг маҳаллий органлари касаба уюшмалари билан ҳамкорликда қандай ишлар олиб бормоқда? Шу ва шунга ўхшаш қатор саволларга жавоб олиш, умуман Президент Фармони Тошкент вилояти туманларида қандай татбиқ этилаётганини ўрганиш учун деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари Тошкент вилоят қўмитаси туман касаба уюшмалари қўмиталарига сўровномалар тарқатди. Шуни айтиш жоизки, фармонга биноан 1994 йилнинг 1 октябридан аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг давлат томонидан жорий этилган янги тури — кам таъминланган оилаларга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдамни фуқароларнинг ўз-ўзини бошқарув органлари, яъни, маҳалла, қўрғон, қишлоқ ёки овул фуқароларининг йиғинлари мустақил равишда белгилайди. Туманлардан олинган маълумотларга қараганда мазкур фармон аҳоли ўртасида мамнуният билан қабул қилинган. Айни чоғда фармон ижросини тўла таъминлаш борасида вилоят туманларида анча ишлар қилинмоқда.

Ҳар бир инсон маҳалла ёки қишлоқда камол топади. Унинг қандай одамлиги, нималарга қодир эканлигига ўша жой жамоаси баҳо беради. Демак, маҳалла кимнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлигини ҳам яхши билади.

Шу сабабли вилоят туманларидаги барча маҳалла, қўрғон, овулларда, қишлоқ фуқаролар йиғинида фармон ижросини таъминлаш, жамғармаларга тушган маблағларни адолатли тақсимлаш ва ёрдамга муҳтож биронта ҳам фуқаро, оила назардан четда қолмаслиги учун махсус комиссиялар тузилган. Бу комиссиялар таркибига маҳаллаларда турмуш тажрибасига эга обрўли оқсоқоллар, касаба уюшмаси қўмиталарининг раислари, бошқа жамоат ташкилотларининг аъзолари киритилган.

Комиссиялар моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган оилаларнинг яшаш шароитини, меҳнатга яроқли оила аъзоларини, ишсиз бўлса ишламаслик сабабларини ўрганиб чиқиб, шундан сўнг фуқаролар йиғини комиссия қарорига асосан оилаларга моддий ёрдам пули тайинланмоқда. Туманларда комиссияларга тушаётган аризалар сони кўпайиб бормоқда. Баъзан даромади етарли бўлган оилалардан ҳам аризалар тушмоқда. Жумладан, Тошкент туманида оилалардан 1394 та ариза тушган бўлса, шундан 55 тасига рад жавоби берилди. Чиноз туманида 2079 та ариза кўриб чиқилиб, ундан 1859 таси қондирилди.

Моддий ёрдам пуллари фармонда кўзда тутилган миқдорда, яъни 150 дан 300 сўмгача тайинланмоқда. Шуни айтиб ўтиш лозимки, комиссиялар томонидан оилаларга тайинланган ёрдам пуллари маълум муддатгача берилмоқда. Белгиланган муддат тугагач, комиссияга яна ўша оилалардан ариза тушса, аҳвол яна қайтадан ўрганиб чиқилмоқда.

Бекобод туманида ҳозирги кунда 6500 дан ортиқ оилага моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Шу йилнинг февраль ойида 2316 оилага 605240 сўм моддий ёрдам пули тарқатилди. Оққўрғон туманида февраль ойида 1370 оилага 276155 сўм, Бўка туманида 88557 сўм, Янгийўл туманида 1995 йилнинг икки ойи мобайнида 1 млн. 617 минг сўм, Тошкент туманида 1994 йилнинг уч ойида ва 1995 йилнинг январь ойида 924885 сўм пул тарқатилди. Зангиота туманида шу йилнинг январь — февраль ойларида 2920 кам таъминланган оилага 701 минг сўм, март ойида 1679 оилага 405700 сўм пул берилган. Туман бўйича жами 1 млн. 207 минг сўм моддий ёрдам пули ажратилган.

### Фармон ва ижро

Бир қарашда ҳамма иш кўнгилдагидек кетаётган кўринади. Аммо маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, вилоят туманлари ҳудудларида кам таъминланган оилаларга ёрдам пули миқдорлари айрим ҳолларда нотўғри белгиланмоқда.

Мисол учун Пискент туманининг Сайид қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида Эрбўта Бобоев оиласига қуйидагича моддий ёрдам пули тайинланган: жамоа хўжалигидан Эрбўта Бобоев 60 сўм ойлик, хотини 7 та боласи учун 70 сўм нафақа, 0,15 гектар томорқа еридан ҳар ойда 100 сўм даромад олади. Умумий даромад жами 230 сўм. Ҳар ойига бу оилага 300 сўм нафақа тайинланган. Демак, оиланинг умумий даромади 530сўмни ташкил қилади. 7 та бола, ота-она, 9 кишидан иборат бўлса, унда жон бошига тақсимланган пул 530:9=58 сўмни ташкил қилади. Бу эса, оиланинг қийин аҳволини яхшилашга ёрдам бўла олмайди. Чунки оила аъзоларининг жон бошига 100 сўмдан кам даромад тўғри келмоқда. Ваҳоланки, республикамиз Президенти касаба уюшмаси фаоллари билан учрашувда айтганидек, ёрдам муҳтож оилаларга энг кам иш ҳақининг 1,5 — 3 баравари миқдорида берилиши керак.

Худди шундай ҳолат Муротали қишлоғида (Пискент тумани) ҳам кўриш мумкин. Ўтган йилнинг сентябрь ойидан 1995 йилнинг март ойига қадар 39 оилага 200 сўмдан ёрдам пули бериб келинган. 300 сўмдан белгиланган ёрдам пули январда ҳам тўланган. Ваҳоланки, йилнинг ҳар чорагида комиссия оилавий шароити яхшиланганларни рўйхатдан чиқариб, янги тушган аризаларни ўрганиб, бошқа оилаларни рўйхатга киритиши керак эди. Айрим ҳолларда бир ой моддий ёрдам олиб, кейинги ой ёрдам ололмаётган оилалар ҳам аниқланди. Жумладан, Қутфия Исроилова бир ой моддий ёрдам пули олган. Кейинги ой рўйхатдан тушириб қолдирилган.

Чунончи, ҳокимлик томонидан қишлоқ фуқаролари йиғинига қўшимча рўйхатлар бериш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, Сайид қишлоғи фуқаролар йиғинига асоссиз равишда ўқитувчи ва тиббиёт хизматчиларидан 50 кишининг номини рўйхатга қўшиб ёзиш буюрилган.

Қишлоқ фуқаролар йиғинларига аксарият ҳолларда жойлардаги кам таъминланган оилаларга ажратилган жамғармалар миқдори маълум эмас, улар фақат рўйхат тузиш билангина оворалар, холос. Бу эса, жамғарма маблағларини сарфлашда аниқ тартиб ўрнатиш, маблағларни мувофиқлаштиришда қийинчиликлар туғдирмоқда. Айрим туманлар ҳудудларида ёрдам пуллари баъзи сабабларга кўра 10-15 кун кечикиб берилиши ҳоллари ҳам учраб турибди.

Президентимиз таъкидлаганидек, бу борадаги назорат ишларини кучайтириш зиммамиздаги вазифалардан бири экан, жойлардаги касаба уюшмалари қўмиталари, фаолларимиз бу ишларда ҳам жонбозлик кўрсатишлари, ошкоралик тамойилларига риоя қилиб, ёрдам пулларининг адолатли тақсимланиши устидан изчил назорат ўрнатишлари лозим.

Мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, ижтимоий ёрдам пулларини адолатли тақсимлаш, жамғарма маблағларини ўз ўрнида сарфлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур деб ўйлайман.

1. Оиланинг даромадини аниқлашда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 454-сон қарори билан тасдиқланган Низомга, аниқ меъзонлар ўлчами киритилса:

2. Қишлоқ фуқаролари йиғини қарори ҳокимият ёки юқори ташкилотлар томонидан асоссиз равишда ўзгартирилавермаса;

3. Ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғинига ажратилган маблағ уларнинг ўз ҳисоб рақамларида турса;

4. Жамғарма банкидан моддий ёрдамни олишга бора олмайдиган бетоб, ногирон ва қарияларга пулни почта, банк ходимлари ёки қишлоқ фуқаролар йиғини ва касаба уюшмаси фаоллари томонидан уларнинг уйларига элтиб берилса нур устига аъло нур бўлур эди. Касаба уюшмаси вилоят қўмитамиз ҳам жорий йилда туманлардаги 30 та кам таъминланган оилаларга 400 сўмдан моддий ёрдам кўрсатди. Шу билан бирга Бекобод туманидаги «Авангард» жамоа хўжалигида яшовчи уч етим болага қурилиши чала қолган уйни тўлиқ битириб, жиҳозлаб, сўнг унга кўчиб ўтишида ёрдам берди. Шу мақсадда вилоят қўмитамиз 28 минг сўм пул, стол ва стуллар ажратди. Тошкент давлат аграр университети ўқитувчилари ва талабаларига «Наврўз» байрамини нишонлашда моддий ёрдам кўрсатилди ва уч аълочи талабага мунтазам ҳар ойда стипендия берилмоқда. Шунингдек, Зангиота туман қўмитаси томонидан 10 нафар етим болага 100 сўмдан жамғарма дафтарчаси очилди. Бешта кам таъминланган оилага 300сўмдан 1500 сўмгача моддий ёрдам берилди. Туман бошланғич касаба уюшмалари қўмиталари ёрдамга муҳтож оилаларга 150—200 сўмдан пул ёрдами кўрсатдилар. Вилоятимиз бўйича бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Фармон ижросини тўла амалга ошириш, ҳар бир муҳтож одам, кам даромадли ва серфарзанд оилалар Президентимиз ғамхўрлиги туфайли кафолатланган ижтимоий ҳимояга эга эканликларини чуқур ҳис этишлари учун барча чораларни кўриш, тарғибот ва назоратни кучайтириш, фаол ҳаракатлар қилиш биз касаба уюшмалари фаолларининг ҳозирги кундаги долзарб вазифамиздир.

**Қ. ШОДИМЕТОВ,**
**Деҳқончилик-саноат ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг раиси, касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари.**

---

● *Олий таълим: ислоҳотлар йўлида*

# КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ — ЗАМОН ТАЛАБИ



**_Ҳозирги даврда таълим олаётган талаба — Ўзбекистоннинг яқин истиқболида мамлакат нуфузини янада юксакка кўтарувчи, Президентимиз бошлаб берган ислоҳотларни дадил амалга оширувчи мутахассислардир._**

Шу боис республикамиз маънавий ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар юз бераётган, миллий ва умуминсоний қадриятлар тикланаётган, ҳукуматимизнинг изчил ва оқилона сиёсати туфайли ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш асослари яратилаётган ана шу кунларда ёш авлодни Ватанга меҳр ва садоқат руҳида маънавий мукаммал, чуқур билимли мутахассис — комил инсон қилиб тарбиялаш масаласи бугунги кунда таълим соҳаси зиммасидаги долзарб вазифа ҳисобланади.

Очиқ айтиш керакки, биз мустақилликкача дунёвий илмлардан анча-мунча орқада қолган эдик. Бугунги кунда — таълим соҳасида ислоҳотни амалга оширишда ана шу ҳол ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу боис юртбошимиз маърузаларидан бирида: «Бизнинг ўрта, ўрта-махсус ва олий мактабларимиз касб маҳорати ва маънавий-руҳий жиҳатдан замонавий соҳаларда ишлайдиган ёшларни тарбиялашга қодирми?» — деган саволни бериб, унга ўзлари жавоб қайтардилар: — «Менимча, унчалик тайёр эмас, халқ таълими янгича шароитда ўз ишини ниҳоятда секинлик билан қайта қурмоқда».

Ҳа, ҳақиқатан ҳам истиқлол йилларида таълим соҳасини тубдан ўзгартиришга тўғри келди. Айни кунларда олий таълим дастури тасдиқланиш арафасида, у кўп муҳокамалардан ўтди ва дастурни мукаммаллаштириш жараёни ҳозир ҳам давом этяпти.

Олий таълимда кечаётган ислоҳотлар университетимизда ҳам амалда ўз татбиқини топаяпти. Булардан асосийси,— кўп босқичли таълим тизимига ўтиш. Университетда лицей, коллеж, бакалавриат, магистратура — хуллас, таълим янги тизимининг барча поғоналари бўйича ўқитиш ишлари йўлга қўйилган. Бу ҳозирча ҳам домлаларимиз, ҳам талабалар учун бирдек янгича тартиб экани боис, ўқиш ва ўқитиш жараёнини ҳали яхши ўзлаштириш ва бирмунча такомиллаштириш зарур бўлади.

Баъзан унда-бунда талабаларнинг ўқишдан совиб, олди-сотдига берилиб кетаётгани ҳақидаги гаплар қулоққа чалиниб қолади. Шуни таъкидлашни истардимки, аввало, янги таълим тизими тартибига кўра, ўқишга кирган ёшлар ўзлари хоҳламаса, илгариги пайтларда бўлганидек, диплом учун беш-олти йиллаб олий ўқув юртига боғланиб қолиши шарт эмас. Улар коллежларимизга ўтиб ўқиб, диплом олишлари мумкин. Қолаверса, талаба ўқийман, ўрганаман деб интиладими, у албатта танлаган ана шу йўлидан қайтмайди. Лекин, таассуфки, ўз соҳасини яхши билмаган, саводи ҳам ҳаминқадар баъзи домлалар болаларнинг ўқишга бўлган ҳафсаласини тушириши мумкин. Биз бу ҳолни иш жараёнида, албатта, ҳисобга оляпмиз. Университет ўқитувчилари синовлардан ўтгачгина уларга дарсга кириш учун рухсат беріляпти. Ана шундай чора-тадбирлар туфайлидирки, университетимизда таълим олаётган талабалар ўқишни ташлаб, «бизнес»га «шўнғиб» кетаётганлари йўқ.

Лекин, шуни ҳам айтиш лозимки, ҳозирги иқтисодий ўтиш даврида яратилган қулайликлардан оқилона фойдаланиш ўрнига, дарсга хоҳласа келиб, хоҳламаса келмай, фанларни ўзлаштирмаган талабаларга нисбатан олий таълим ва шу жумладан, университетимиз қонун-қоидаларида қаттиқ чоралар белгиланган. Бундан ташқари, таълим жараёнида ўқиётган боланинг ота-онаси билан алоқа боғлашни йўлга қўйдик. Мабодо талабанинг оиласида маълум қийинчиликлар мавжуд бўлса, бундай талабаларга иқтисодий ёрдам ҳам кўрсатамиз. Масалан, тиришқоқ, иқтидорли ва интизомли талаба оилавий шароити сабабидан ўқишни сусайтириб юбориши мумкин. Бу ҳолда ҳам университет талабаларга ҳар томонлама кўмак беришга тайёр.

Университетда давлатимиз тили мавқеини бугунги жаҳон тиллари даражасига кўтариш борасида бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда «Миллий тараққиёт: тил ва таълим» мавзусида минтақавий илмий анжуман ўтказдик. Анжуманда она тилимизни жаҳон тилларига яқинлаштириш учун лотин алифбосига ўтишнинг афзалликлари хусусида ҳам фикр алмашинди. Бу борада республика миқёсида қилинаётган ишлар қўллаб-қувватланди. Ўзбек тилида дарсликлар яратиш борасида талай ишлар қилинди. Шунинг баробарида ҳар бир талаба дунёвий илмлардан хабардор бўлиши учун инглиз, немис, француз ва жаҳоннинг бошқа тилларидан бирини билиши шарт. Айниқса, ҳозирги жараёнда бусиз етук мутахассис бўлиш қийин. Шу боис университетда техник билим олиш қатори талабалар, албатта, жаҳон тилларини ҳам эгаллашлари учун шарт-шароитлар яратилган.

Хорижий давлатлардаги олий ўқув юртлари билан алоқалар яхши йўлга қўйилган. Жумладан, университетимизда Малайзия билан ҳамкорликда ташкил қилинган бизнес мактаби фаолият кўрсатмоқда. Мазкур мактабда малайзиялик профессор-ўқитувчилар дарс беради. Франциянинг Сарбон университети билан биргаликда ўқув юртимиз қошида қўшма илмий марказ очиш тўғрисида битим тузган эдик. Ҳозир илмий марказ ишга тушиш арафасида. Шунингдек, университет АҚШ, Германия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Польша, Жазоир, Миср, Вьетнам, Сурия каби бошқа мамлакатлар олий ўқув юртлари, нуфузли ташкилотлар ва халқаро жамғармалар билан ҳамкорлик қилмоқда. Шу ўринда Конрад Аденауэр жамғармасининг ўзбекистонлик стипендиантлари ҳам университетимиз вакиллари эканини таъкидлаш жоиздир.

Тошкент давлат техника университети Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик олий ўқув юртларидан бири ҳисобланади. Университет билан минтақада мавжуд техника ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорлик самарали ривожланмоқда. Бу ҳамкорлик таълим-тарбияни яхшилаш, ўзаро тажриба алмашиш, яратилаётган янгиликлар, маълумотларни умумлаштириш каби эзгу истакларни амалга оширишга қаратилган. Олий ўқув юртида қардошларимизнинг фарзандлари турли мутахассисликлар бўйича касб ўрганишяпти. Битириб чиққан мутахассислар эса Марказий Осиёнинг ҳамма давлатларида фаолият кўрсатяптилар. Хусусан, университетимиз профессор-ўқитувчилари орасида ўзбеклардан ташқари қозоқ, қирғиз, туркман, тожик миллатига мансуб фан доктори ва номзодлари фаолият кўрсатиб, юқори малакали мутахассисларни тарбиялаш йўлида жонкуярлик қилмоқда.

Шу кунларда таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг янги қоидаларини ишлаб чиқиш учун бу борадаги дастурларимизни қайтадан кўриб чиқяпмиз. Азалий ёндош ва қардош халқлар олий таълимида кутилганидек кенг ҳамкорлик йўлга қўйилгач, мамлакатларимиз ва умуман, минтақамиз ҳар томонлама тез ривожланишига аминман.

**Тўлқин МИРКОМИЛОВ,**
**Тошкент давлат техника университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.**

---

● *Тадбиркорлик иқтисодиёт келажаги*

# ЙЎЛИ ОЙДИН ЖАМОА

**_Ҳа, айни кунларда ишчанлик, тадбиркорлик, ташаббус ва ташкилотчилик зарур. Бу йўлда қунт ва сабот устивор аҳамият касб этмоқда._**

**_Вилоят гўшт ва сут саноати давлат ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли «Янгийўл сути» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳузурида бўлганимизда, табиийки, хаёлимиздан юқоридаги фикрлар кечди ва фикримизни шу корхона мисолида муқояса кўришга уриндик. Корхонанинг ёш ва тадбиркор раҳбари Икром ПИРМАМАТОВ билан мулоқотимиз ҳам ислоҳотлар хусусида бўлди._**

— Ўн йил бўлди шу жамоага раҳбарман,— дейди Икромжон. — Одамларимиз бир-биридан ишчан, ўзаро аҳил ва тотув. Бу ерда 40 дан зиёд киши меҳнат қилади. Улар турли миллат вакилларидан иборат. Истиқлолимизнинг истиқболини таъминлашда ва унинг муваффақиятларини мустаҳкамлашда фидойилик сув ва ҳаводай зарур. Фидойи инсонларни эса халқ доим эъзозлайди...

«Ўзгўштсутсаноат» уюшмасидан йўлланган бир ҳужжатни менга тақдим этишди. Унда қайд этилишича, республикамиздаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, уларни қадоқлашга ихтисослашган 38 та корхонадан 4 таси ўтган йили меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришиб, пешқадамлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганлиги қайд қилинган эди. «Янгийўл сути» ҳиссадорлик жамияти эса бу илғорлар сафида биринчи бўлиб турарди.

Шунинг учун ҳам корхона жамоасининг 1994 йилги ишлаб чиқариш натижаларини алоҳида қайд этишни ўринли деб ҳисоблаймиз. Зеро, ўтган йилни яхши натижалар билан якунлади. Жумладан, 5434 тонна сут маҳсулотлари, 31 тонна сариёғ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Йил якунига кўра 270 минг сўм соф фойда корхона ҳисобига келиб тушди. Жорий йил режалари эса бундан ҳам кенг. Шунинг учун ҳам бугунги меҳнат яна-



да баракали бўлаяпти. Ўтган йилда эришилган ютуқлар янада мустаҳкамланмоқда. Меҳнатнинг барча кўрсаткичлари ошиб бормоқда. Корхона жамоаси йил бошидан бери сут маҳсулотларининг ўзидан 780 тонна ишлаб чиқариб, биринчи чорак режасини ўринлатиб қўйди. Шунингдек, 15 тонна сариёғ ва бир тонна пишлоқ истеъмолчиларга жўнатилди.

1994 йилнинг ёзидан ҳиссадорлик жамияти мақомини олган бу корхонада асосан сут, қаймоқ, пишлоқ, сариёғ, сузма, ширин сут ва қуюқлаштирилган сут каби ўнга яқин маҳсулот тури ишлаб чиқарилади. Мавжуд 4 та цехда ишлар мароми яхши. Цехларнинг узлуксиз ишлашини таъминлашда корхона мутахассислари ва усталарнинг хизмати беқиёс. Ишчиларнинг ғайрат-шижоати эса алоҳида таҳсинга сазовор. Уста Комил Икромов, техника созловчиси Николай Лапшин, катта кимёгар Муқаддам Отахонова, ишчилар Умри Мирзааҳмедова, Дилбар Алиқулова ва Зайнаб Шарофиддиновалар фидокорона меҳнатлари билан жамоада катта ҳурмат-эҳтиром қозонишган. Корхонада маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, унинг янги турларини ўзлаштириш қатори харидоргирлигини таъминлашнинг асосий омили бўлган сифатини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бозор учун ишлаш, мижозларни ранжитмаслик, уларнинг сафини кўпайтириш шуни тақозо этмоқда.

— Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнида сифат бўлмаса, суръатнинг қадри йўқолади,— дейди корхона лабораторияси бошлиғи Муқаддам Отахонова.— Биз, лаборатория ходимлари маҳсулот сифатига масъулмиз. Суръат ҳам керак, албатта. Аммо корхонамиз нуфузини, маҳсулотларимизнинг харидоргирлигини аввало сифат белгилайди. Шаҳар марказида махсус фирма дўконимиз бор. Унинг хизматидан харидорлар хурсанд экан, бу уларга сотилаётган маҳсулот сифати кўнгилдагидек бўлаётганидандир. Дўконда корхонамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қатори бошқа кўп турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам мавжуд. Айни вақтда Янгийўл тумани маркази — Гулбаҳор қўрғонида ҳам яна бир фирма дўкони қурилиши олиб борилаяпти.

Корхона дарвозасидан чиқиб, пешма-пеш жўнатилаётган тайёр маҳсулотлар Янгийўл шаҳри ва тумани ҳамда пойтахтимиз Тошкент аҳолиси дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Бунинг устига улар анча арзон ҳамдир. Бундан ташқари, шаҳардаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи кексаларга, ёш болали оилаларга, ногирон ва ҳожатманд кишиларга корхона маҳсулотларини сотиш йўлга қўйилган. Бунинг учун ажратилган махсус битта транспорт воситаси улар хизматида.

Хўш, корхонада меҳнатга яраша манфаатдорлик қай даражада? Биз шу саволимиз билан айрим ишчиларга мурожаат қилдик.

— Маошимиз чакки эмас,— дейди сут қабул қилувчи ишчи Қумри Олимова.— Ойлигимиз ўртача 700 — 800 сўмни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, биз, ишчиларга вақти-вақти билан ун ҳам бериб турилади.

— Шундай дейишимизга ажабланманг,— гапга қўшилади яна бир ишчи Марина Борисова,— Корхонамиз маъмурияти Қозоғистоннинг Туркистон шаҳридаги «Монолит» фирмаси жамоаси билан ўзаро шартнома тузган. Шартнома бўйича келтирилган бу ун фақат корхона жамоасига эмас, балки Янгийўл туманининг барча жамоа ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликларига, шунингдек, Чиноз туманидаги Турсуной Охунова ва Охунбобоев номли жамоа хўжаликларига ҳам арзон нархда сотилади. Боиси бу хўжаликлар корхонамизни узлуксиз сут билан таъминлаб туради.

Корхона жамоасининг қайси бир аъзоси билан суҳбатлашмайлик, бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг айрим мураккаб жараёнлари ўткинчи эканлиги, халқимизнинг сабр-қаноати унинг келажакка, порлоқ истиқболга, ҳозирги қийинчиликлар албатта ортда қолишига қатъий ишончи гурунгимизнинг асосий мазмунига айланди.

Корхонада ҳамма иш силлиққина кетмоқда, дейишдан узоқдамиз, албатта. Ишлаб чиқариш бўлганидан кейин унинг ўзига яраша қийинчиликлари, муаммолари ҳам мавжуддир. Кўп ҳолларда маблағлар етарли бўлмаяпти. Бунинг асосий сабаби ҳам маълум. Корхона жамоаси етказиб берган маҳсулотларига савдо шохобчаларидан ўз вақтида ва етарли пул тушмаяпти. Гоҳо эса нақд пул банк тизимида узоқ ушланиб қолади. Оқибатда сут етказиб берган хўжаликлар билан ҳисоб-китобни вақтида қилишнинг иложи бўлмаяпти. Бу қўшимча муаммоларни келтириб чиқармоқда.

— Йўқ, булар бизга баҳона бўла олмайди,— дейди корхона раҳбари,— Фаолиятимиз нуфузи ва қамровини оширишда биз меҳнат қилаверамиз. Меҳнатнинг йўли эса азал-азалдан ойдин, қут-баракотли. Жамоамизнинг ҳар бир аъзосига шу умид туйғуси куч-қувват беради!..

**А. ТУРДИЕВ.**

**● Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу суратлар корхона ҳаётининг бугунги кундаги айрим лавҳаларини акс эттиради.**

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**







---

# САХОВАТ УЛУҒЛИК КЕЛТИРАДИ

## *ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИДА ХАЙРИЯ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ*

Ҳимматларнинг улуғи саҳийликдир. Ҳиммат ва саховат — бу икки шарафли сифат покиза кишиларга хосдир. Ўртачирчиқ тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган хайрия тадбирига мана шундай фазилатли инсонлар тўпланишди. Тумандаги корхона, жамоа хўжаликлари, хусусий дўконлар, ишбилармонларнинг бу ташрифларининг боиси қийналган оилалардаги фарзандларга, етим қолган болаларга мурувват кўрсатиш, уларни ўз паноҳларига олиш эди.

— Очиғи, кўпинча кишилар орасида меҳр йўқолиб бораяпти, — дея нолиймиз, — дейди ҳаяжонини яшира олмай туман хотин-қизлар кенгашининг раиси Малика Хўжаева. — Шу тадбирни ўтказиш жараёнида шунга амин бўлдимки, орамизда саховатпеша, меҳридарё инсонлар жуда кўп экан. Бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўлиб турибсиз.

Дарҳақиқат «Саховат қутиси» ёнига келувчиларнинг кети узилмасди. Ҳар ким баҳоли қудрат бу олижаноб ишга улуш қўшарди. Йиғилган маблағ болаларимиз манфаати, уларнинг соғлиги учун эканлигини яхши билишарди. Туман жамғарма банки раиси Т. Раҳмонов 1-июнь Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни туғилган гўдакларга омонат дафтарчаси очилиб, улар ҳисобига 300 сўмдан пул қўйилганлигини билдирди. Тўйтепадаги хусусий дўкон мудираси М. Абдуллаева ҳимматини эса кўпчилик узоқ олқишлади. У отасиз қолган икки болани ўн саккиз ёшга киргунга қадар ўз паноҳига олди. Худди шунингдек, «Хуршида» кичик корхонаси, «Тонг» ҳиссадорлик жамияти, 74-автокорхона, «Кукси» хусусий корхонаси ва бошқа бир қатор жамоа хўжалиги вакиллари ҳам бирин-кетин сўзга чиқишиб, ўз оталиқларига олган ўғил-қизларни нафақат байрамларда, балки улар балоғат ёшига етгунларигача ҳолларидан хабар олиб туришларини билдирдилар. Тадбир тугади. Лекин бундай эзгу ишлар давом этишига, саховатлилар сафи кенгайишига ишончимиз комил.

**М. ОБИДОВА.**

---

*Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

# БЕМОРЛАР МИННАТДОР

ЗАМОНАВИЙ тўрт қаватли бинога жойлашган мазкур даволаш муассасасига мурожаат қилган бемор борки, дилида унинг ходимларига нисбатан самимият уйғониши тайин. Бу бежиз эмас. Акмал Икромов туманидаги 3-поликлиникада ишлаётган оқ халатли ҳар бир шифокорнинг фаолияти, аввало, нажот истаб келган кишини ширин сўз билан кутиб олиш, унинг касаллигини тўғри аниқлаш ва ўз вақтида малакали муолажа кўрсатишга йўналтирилган. Тумандаги 156 минг нафар катта ёшдаги аҳоли тиш, милк, жағ касалликлари бўйича ана шу даргоҳ хизматидан баҳраманд.

Шифохона кўпгина ихтисосликлар бўйича бўлимлар ва кабинетларга эга. Терапия, жарроҳлик, ортопедия бўлимлари, тиш техникаси лабораторияси, рентген, физиотерапия ва бошқа кабинетлар шулар жумласидандир. Шунингдек, тумандаги 4 та катталар поликлиникаларида, 5 та саноат корхоналарида, адабиёт институти, Алгоритм, «Прогресс» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида, «Ўрикзор» мавзесида ҳамда 3 та ўрта мактабда унинг филиаллари ишлаб турибди. Бу ерда тиббий хизмат кўрсатаётган 83 нафар врачдан 45 нафари юқори тоифали шифокордир. Стоматология поликлиникасида кечаю кундуз, ҳатто дам олиш, байрам кунларида ҳам муолажалар йўлга қўйилган. Уруш қатнашчилари, ногиронлар, ётиб қолган беморларнинг уйларига бориб даволаш ташкил этилган. Шу тоифа кишилар учун бепул ясама тиш қўйиб берилади. Биргина 1994 йилнинг ўзида 101 нафар киши ана шундай беминнат хизматдан баҳраманд бўлди.

**С.ҲАСАНОВ.**

